



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR HOKIMINING F A R M O Y I SH I

2021 года «2» августа

15-14-0-F/21

Хокимият города Ташкент

Маблағ ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 августдаги “Ҳарбий-маъмурий секторларни ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3897-сонли ва Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 10 августдаги “Ҳарбий-маъмурий секторларни ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 659-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида, Тошкент шаҳар ҳокимининг каналлардан фойдаланиш ва уларга туташ худудларни ободонлаштириш масалалари бўйича ўринбосари мажмуасининг 2021 йил 13 июлдаги 05-Б-21/8-сонли мурожаатини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2021 йил 25 июндаги 917-сонли ҳамда Тошкент Ҳарбий округи бошқарув аппаратининг 2021 йил 31 майдаги 1/3/1669-сонли хатини инобатга олиб,

1. Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари (Х.Шакиров), Молия бош бошқармаси (Л.Исматуллаев):

Ангрен шаҳрида жойлашган 42219-сонли ҳарбий қисмда моделлаштириш ва симуляция синфини барпо қилиш учун зарур алоқа ва ахборотлаштириш воситаларини сотиб олиш учун Тошкент шаҳар Ҳарбий-маъмурий секторларни ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан Тошкент Ҳарбий округи бошқарув аппаратига 180,0 млн. (бир юз саксон миллион) сўм миқдоридан маблағ ажратилсин.

2. Тошкент Ҳарбий округи бошқарув аппарати (З.Сайфудинов):
ажратилган маблағларни ўрнатилган тартибда ва мақсадли сарфланиши таъминлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Тошкент шаҳар Давлат молиявий назорати бошқармаси (Ш.Яриев):
ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан назорат ўрнатилсин.

4. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Х.Шакиров зиммасига юклатилсин.

Тошкент шаҳар ҳокими



ARTIKXODJAYEV J. A.